



ФИЗИКА ДАРСИДА МАСАЛА ИШЛАШ МЕТОДИКАСИ

Жаббаров Равшанжон Гуломович

Тошкент Темир йўл техникуми

Физика фани ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу малакани ҳимоя қилиш иши «Физикадан масала ечиш методикаси» мавзусига бағишлиланган бўлиб, ишнинг мазмунида мақсади, вазифалари, обьекти ва предмети ҳамда амалий аҳамияти ўзаро боғланган ҳолда тўлиқ ёритилган. Малакани ҳимоя қилиш ишининг биринчи боби “Физика ўқитишида масала ечишнинг ўрни ва масалалар турлари” деб номланиб унда масалаларнинг классификацияси ҳамда физикадан ижодий масалалар ечишга бўлган талаблар очиб берилган.

Иккинчи бобда физикадан масала ечиш дарсларини ташкил этиш ва ўқувчиларни масала ечишга ўргатиш усуллари атрофлича ўрганиб чиқилган бўлиб, унда физикадан масалаларни ечишни ташкил қилиш ҳамда физикадан турли типдаги масалаларни ечиш усуллари келтирилган.

Аннотация

Данная работа посвящена теме «Методы решения задач по физике», содержание которой полностью раскрывается в вводной части. Здесь показаны задачи, объект и предмет, а также их практическая значимость. Первая глава диссертации названа «Роль и типы решения задач в преподавании физики» и описывает классификацию задач и требования к решению творческих задач по физике.

Во второй главе подробно рассматриваются методы организации уроков по решению задач по физике и обучения студентов решению задач, в которой описывается организация решения задач в физике и методы решения различных типов задач по физике.

Annotation

This work is devoted to the topic "Methods for solving problems in physics", the content of which is fully disclosed in the introductory part. It shows the tasks, object and subject, as well as their practical significance. The first chapter of the thesis is titled "The role and types of problem solving in teaching physics" and describes the classification of problems and requirements for solving creative problems in physics.



The second chapter discusses in detail the methods of organizing lessons on solving problems in physics and teaching students to solve problems, which describes the organization of solving problems in physics and methods for solving various types of problems in physics.

Физика дарсида масала ишлаш методикаси.

Физика курсида масалаларни ечиш учун асосан биз ўқувчиларга физик мөхиятинини тушунган ҳолда ёндошиш муҳимлигини уқтиришимиз лозим.

Физика курсида ҳар бир масалани ҳал қилишда физик қонунларни маълум хусусий холи ётади. Масалани ҳал этишда асосий эътиборлардан бири эса катталикларнинг вектор кўринишида эканлигини ёдда тутишимиз зарур. Масалан биз оддий деб айтадиган тўғри чизиқли текис ҳаракатни тахлил қиласидиган бўлсак, албатта тезликнинг вектор катталик эканлигини албатта билишимиз зарур. Бизда тезликнинг фақатгина сон қиймати эмас, балки уни йўналишини ҳам билишимиз муҳим аҳамиятга эгадир. Биз биламизки моддий нуқтанинг ҳаракатини ох ўқи бўйича ифодалашда:

$$x = x_0 + V_0 t \text{ кўринишида ёзамиз.}$$

Бунда албатта тезлик вектор катталиқдир. Биламизки векторлар устида амаллар эса сонлар устида бажариладиган амаллардан кескин фарқ қиласиди.

Механикадан масалаларни ҳал қилиш учун эса векторларни қўшиш ва айриш қоидаларини билиш масалаларни ечишда жуда қўл келади. Масалан икки вектор бурчак остида йўналган бўлса бу икки а ва в векторларнинг йиғиндиси сифатида параллелограммнинг диагонаали сифатида олинган с векторни олишимиз мумкин бўлади. Хосил қилинган учинчи вектор эса механикада тезликларни, кучли ёки импульсни қўшишда қўллаш мумкин бўлади:

$$c = \sqrt{a^2 + b^2 + 2ab\cos\varphi} \text{ булади.}$$

Шу асосий формуладан, масалан икки векторни қўшишдан қуидаги масалаларни ҳал қилишимиз мумкин.

Агар жисмга таъсир этаётган қучни олсак қуидагича ҳал қиласиз. Агар жисмга икки F_1 ва F_2 куч бир томонга таъсир қилаётган бўлса , у ҳолда бу кучлар орасидан бўлган 0^0 га teng бўлади.

Биламизки $\cos 0^0 = 1$ га teng бўлади.

$$\text{Демак } F_n = \sqrt{F_1^2 + F_2^2 + 2F_1F_2}$$

Бу эса қисқа кўпайтириш формуласидан



$F_1^2 + F_2^2 + 2F_1F_2 = (F_1 + F_2)^2$ Қисқа күпайтириш формуласига мос келади. Демак жисмга таъсир этувчи натижаловчи куч қуидагига тенг бўлади:

$$F_n = F_1 + F_2$$

Энди жисмга икки куч қарама-қарши тамонга йўналган бўлса, яъни икки куч аравани қарама-қарши тамонга тортса, натижаловчи куч нимага тенг бўлади. Эътибор беринг бу ҳолда 180° га тенг бўлади. Биламизки $F_n = \sqrt{F_1^2 + F_2^2 + 2F_1F_2} \cos 180^\circ$ га тенг бўлади. Демак: $\cos 180^\circ = -1$ га тенг бўлади. Бу ифода $F_n = \sqrt{F_1^2 + F_2^2 - 2F_1F_2}$ формулга тенг бўлади. Формула қуидагикўринишга келади.

$$F_n = F_1 - F_2$$

Бу ҳолда эса биз соддагина қилиб икки куч қарама – қарши йўналса катта кучдан кичик кучни айрамиз ва натижаловчи куч катта куч тамон йуналади. Бу эса кучларни қўшишда кўришимиз мумкин. Вектор модули эса кучни сон қиймати билан баҳолашимиз мумкин.

Агар кучлар 90° бурчак остида йўналса биз айтамизки натижаловчи куч Пифагор теоремасидан топилади. Бу эса $\cos \cos 90^\circ = 1$ тенглигидан, албатта $F_n = \sqrt{F_1^2 + F_2^2}$ га тенг бўлади.

Демак масалаларни ечишда куч векторларини қандайдир икки йўналишга ажратиш мухимдир. Хуллас векторларни тузувчиларга ажратиш эса масалани ечишда мухим омилдир.

Масала шарти билан танишгандан сўнг асосий эътиборни изланаётган катталикка қаратиш зарур ва албатта уни тезлик топиш мақсадга мувофиқ эмас. Дастреб масала шартига кўра физик ходисани яхшилаб тушуниб олиш керак ва бу ходиса асосида ётган физик қонунларни есга олиш керак бўлади.

Шундан сўнг эса масалаларда зарур бўлса чизма чизиш амалга оширилади. Жараённи хал этишда масала шартига кирмаган катталикларни ишлатиши керак бўлса уларни ечишга киритиш албатта зарур бўлади. Чизма тайёр бўлгач эса ундаги параметрлар ва улар орасидаги математик муносабатларни аниқлаш керак бўлади.

Бундан ташқари масалани ҳал этишда берилган катталикларни масала шартини ёзишининг ўзидаёқ бир хил бирликка яъни ҲБС га ўтказиб олиш зарур. Чунки агар хисоблаш ишлари ҳар-ҳил бирликларда ишлаб кетилса натижа салбий чиқиши мумкин. Шунинг учун бундай хатоликка йўл қўймаслик учун



дарҳол бир ҳил бирликка ўтказиб олиш керак бўлади. Шундагина масаланинг натижаси тўғри ҳал этилади.

Демак масалани ҳал этишда қуидаги кема-кетлик билан қўриб чиқиш мумкин бўлади.

1. Масала шартини яхшилаб ўқиб чиқиш керак бўлади. Ҳар бир берилган катталик ишлаш ва ишламаслигидан катъий назар четда қолмаслиги керак.

2. Масалада қайси катталикни топиш керак ва унга доир ёзилган формулаларни ёдга олиш керак. Айниқса унга доир барча қонунларни ёдга олинади. Хотирадан эсга олинган бу қонуниятларнинг формулалари жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

3. Тенгамаларни ёзиб олингандан сўнг тенгламалар системасидан фойдаланиб ўринга қўйиш билан бир номаълумга келтирилади.

Энди дастлаб айтиб ўтганимиздек жисмни харакат тенгламасини кўрсак:

$$X_1 = a_1 + b_1 t \quad X_2 = a_2 + b_2 t \text{ бўлади.}$$

Масалан $a_1=10\text{м}$, $b_1 = 2\text{м/с}$ ва $a_2=5\text{м}$, $b_2 = 4\text{м/с}$. Масалани ҳал қилишда эса биз жисмларни учрашадими йўқми шуни билишимиз зарур бўлади. Жисмларни учрашиши учун ўқувчи қандай шартлар бажарилишини билиши зарур. Хозир қуидаги шартларни қўриб чиқамиз:

Жисмларнинг бошланғич координатаси $a_1 < a_2$ бўлса жисм тезликлари бир тамонга йўналган бўлса $b_1 > b_2$ бўлиши керак. Шу шартлар бажарилганда жисмлар учрашади ва масалани ҳал қилиш мумкин. Ўқувчи эса жисмларни учрашиши ёки учрасмаслигини шу аснода хуроса чикара олиши зарур бўлади. Ёки моддий нуқтанинг ҳаракатида текис ёки тезланувчан ҳаракатни ҳам учратиш мумкин бўлади. Бунда жисмнинг тезланувчан ҳаракатида иккинчи даражали тенглама билан ишлаш тақозо этилади.

$X_1 = a_1 + b_1 t$ ва $X_2 = a_2 + b_2 t + d_1 t^2$ берилган бўлса бу масалани ҳам худди олдинги масала каби ҳал этилади. Дастрлаб олдин масала шартига кўра жисмларнинг координатаси уларнинг йўналишини аниқлаб олиш зарур бўлади. Шундан сўнг эса уларни координаталарини тенглаб аввал учрашиш вақти кейин эса координатасини аниқланади.

Юқорига тик отилган жисм ҳаракатини қўриб чиқадиган бўлсак бунда жисмларнинг юқорига секинланувчан ва пастга эса тезланувчан ҳаракатдан иборатлиги, кўтарилиш ва тушиш вақтларининг бир ҳиллигини ва жисм отилганда берилган бошланғич тезлик жисмнинг тушиш тезлигига тенг бўлишини ўқувчи яхши билиши керак. Жисмнинг юқорига ҳаракатида



секундига жисмнинг тезлиги $10\text{м}/\text{с}$ га камайиб бориши, пастга ҳаракатланганда эса $10\text{м}/\text{с}$ дан ортиб боришини билиши зарур. Шунда ўқувчи масалаларни осонлик билан ҳал қила олади. Масалан юқорига $40\text{м}/\text{с}$ тезлик билан отилган жисмнинг учиш вақтини топинг. Бу масалани ҳал қилишда тажрибада ҳали формуулаларни анализ қилмасдан туриб ўқувчилар учиш вақтини айта оладилар. Қай тарзда, албатта ўқувчи секундига жисм ўз тезлигини $10\text{м}/\text{с}$ дан камайишини билган ҳолда 4с дан кейин уни тезлиги 0 га teng бўлишини билади ва шунча вақтда жисмни ерга қайтиб тушишини ҳисоб олади ва учиш вақтини 8с деб жавоб беради. Биринчи хulosса эса тезланиш $g=10\text{м}/\text{с}^2$ га тенглиги ва жисмларнинг эркин ҳаракати давомида доим шу тезланиш билан ҳаракатланишини билган ҳолда масалани осон ҳал қилиши кутилади. Тезланиш формуласини ёзсан қуйидаги ёзамиз:

$$g = \frac{V - V_0}{t}$$

Тезлик формуласи агар жисм тик пастга ҳаракатланса $V = V_0 + gt$

Бу тезланувчан ҳаракат бўлади албатта. Юқорига ҳаракатни оладиган бўлсан экан тезланиш ҳаракат бўлиб:

$V = V_0 - gt$ бўлади. Кўтарилиш вақтини топадиган бўлсан биламизки енг юқори нуқтасида жисмнинг тезлиги нолга teng бўлади, демак тезликнинг ифодаси қуйидагига teng бўлади: $0 = V_0 - gt$ $V_0 = gt$ бу ифодадан жисмни кўтарилиш вақтини топишимиш мумкин бўлади:

$t = \frac{v_0}{g}$ га teng бўлади. Шундан жисмни кўтарилиш вақтини топиш мумкин бўлади. Шу ифоданинг иккилангани эса жисмнинг учиш вақтини беради. Бундан энди жисмнинг исталган пайтдаги тезлигини топиш мумкин бўлади. Масалан юқоридаги масала шартини давом эттириб жисмнинг 6 секунддаги тезлигини топиш керак бўлсин. Жисм $40\text{м}/\text{с}$ тезлиқда отилган эди. Демак жисм юқорига 4с кўтарилади, кейин эса пастга тезланувчан ҳаракатини давом эттиради. 6с даги тезлик эса жисмнинг пастга 2с ҳаракатидир. Бундан келиб чиқадики жисмнинг пастга 2 секунддаги тезлиги ҳаракат бошидан 6с даги тезликка мос келади. Бу эса $20\text{м}/\text{с}$ дегани. Чунки жисм пастга бошланғич тезликсиз туша бошлайди. Бу эса қуйидаги формуладан ёзиш мумкин бўлади;

$$v = gt$$

Демак юқорига тик отилган жисмларнинг ҳаракатига доир масалаларни ечишда қуйидагиларни назарда тутиш керак бўлади, юқорига отилган жисмнинг тезлик ва силжиш тенгламалари жисмнинг ҳаракатда бўлган ҳамма вақт билан v ва H ўртасидаги боғланишни ифодалайди. Улар факат



жисмнинг юқорига секинлашиб кўтарилиши учун эмас, балки жисмнинг навбатдаги текис тезланувчан тушиши учун ҳам ўринли бўлади, чунки жисм ҳаракатнинг юқори нуқтасида оний тўхтагандан сўнг унинг ҳаракати дастлабки тезланиш билан рўй беради. Агар жисм v_0 тезлик билан юқорига кўтарилса унинг учиш вақти максимал кўтарилиш баландлиги қуйидагича топиш мумкин:

$$t_k = \frac{v_0}{g} \quad H_{max} = \frac{v_0^2}{2g} = \frac{gt^2}{2} \quad \text{бўлади.}$$

Нуқтанинг эгри чизиқли ҳаракатига доир масалаларда айлана бўйлаб ҳаракатига доир масалалар ҳамда горизонтга бурчак остида отилаган жисмлар ҳаракатига ажратиш мумкин бўлади.

Гори зонтга бурчак остида отилган жисм жисмларнинг ҳаракатини бир вақтнинг ўзида боғлиқ бўлмаган тўғри чизиқли ҳаракатларнинг бири ер сирти бўйлаб, иккинчиси ер сиртига перпендикуляр бўлган ҳаракатларнинг натижаси деб тасаввур қилиш мумкин. Бир вақтда бўладиган мураккаб эгри чизиқли ҳаракатларни анча содда иккита ҳаракатга ажратиш мумкин бўлади. Шунинг учун бунда еркин тушиш тезланиши билан ҳаракат қилаётган жисмни тезланишини икки ташкил этувчига ажратиш зарур бўлади. Бундан кейин эса ҳар икки йўналиш учун тезлик силжиш тенгламасини тузиш мумкин бўлади.

90 кг массали қайиқдан қирғоқقا сакраган 30кг массали боланинг қайиқка нисбатан тезлиги 3м/с га тенг. Боланинг тезлиги нимага тенг?

Масалани ечишдан олдин ходисани анализ қилиб кўрамиз. Боланинг тезлигини қайиқка нисбатан ёзиб оламиз:

$$v_q + v_b = 3 \quad (1)$$

Бу ерда масала шартига кўра :

$$M_q V_q = M_b V_b \quad (2)$$

(1)

ва (2) формуладан қуйидагига эга

бўламиз:

$$M_q (3 - V_b) = M_b V_b$$

$$90 \cdot 3 - 90 V_b = 30 V_b$$

$$120 V_b = 270 \quad V_b = 2.25 \text{м/с га тенг бўлади.}$$